

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат


2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 5 июнь, № 114 (9285) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ГОНКОНГ БИЛАН ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Сянган (Гонконг) махсус маъмурий ҳудуди Администрацияси раҳбари Ли Цзячао бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Мулоқот аввалида Ли Цзячао давлатимиз раҳбарига Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг самимий саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Учрашувда Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлигини, шу жумладан, Гонконг билан ҳудудлараро алмашинувлар ва амалий ҳамкорликни кенгайтириш орқали янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Суҳбат чоғида сўнгги йилларда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги дўстлик ва янги даврдаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатлари мисли кўрилмаган даражага кўтарилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Олий даражада эришилган келишувлар изчил амалга оширилмоқда. Май ойида Пекин шаҳрида Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши ва Сиань шаҳрида учинчи Ҳудудлараро форум муваффақиятли ўтказилди, Гонконгда иқтисодий форум ва саноат кўргазмаси бўлиб ўтди, Ўзбекистон савдо уйи очилди.

Ўзбекистон ҳудудларининг Гонконг билан иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантириш учун мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратилди. Тошкент шаҳрига Гонконг ишбилармон доиралари вакилларидан иборат катта делегация ташриф буюргани ушбу йўналишдаги шерикликни янада ривожлантиришга хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Савдо-иқтисодий ва молиявий алоқаларни кенгайтириш, саноат кооперациясини жорий этиш, таълим, туризм ва ишбилармонлик алмашинувларини ривожлантириш ҳамда тўғридан-тўғри авиақатновлар ва фуқароларга консуллик хизматлари кўрсатишни йўлга қўйишни назарда тутувчи комплекс ҳамкорлик дастурини қабул қилиш муҳимлиги таъкидланди.

“Яшил” энергетика, қишлоқ хўжалиги, биотехнологиялар, рақамли иқтисодиёт, финтех, инновацион стартаплар, сунъий интеллект ва бошқалар устувор соҳалар сифатида қайд этилди.

Ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича қўшма “Йўл харитаси”ни қабул қилиш, шунингдек, Ишбилармонлар кенгашини ташкил этиш ҳамда яқин фурсатда Гонконг билан икки томонлама асосда визасиз тартибни жорий этиш юзасидан келишувга эришилди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОНДА АЭСНИНГ БИРИНЧИ ЭНЕРГИЯ БЛОКИ ҚУРИЛИШИГА СТАРТ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 4 июнь куни амалий ташриф билан Санкт-Петербург шаҳрига келди.

“Пулково” халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Россия Федерацияси Ҳукумати Раисининг биринчи ўринбосари Денис Мантуров, шаҳар губернатори Александр Беглов ҳамда бошқа расмийлар кутиб олди.

Санкт-Петербург шаҳрига амалий ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон — Россия кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик жадал ривожланаётгани мамнуният билан қайд этилди. Йил бошидан буён товар айирбошлаш ҳажми 20 фоизга ошди.

Саноат, энергетика, металлургия, транспорт, кимё саноати ва иқтисодиётнинг бошқа устувор тармоқларида йирик лойиҳаларни амалга ошириш давом этмоқда.

Товар айирбошлашдаги жорий суръатларни сақлаб қолиш, кооперация лойиҳаларини жадаллаштириш ҳамда ҳудудлар даражасидаги фаол алоқаларни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Фаол маданий-гуманитар алмашинувларни янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Шу кунларда Мариинский театрида Георг Фридрих Генделнинг “Тамерлано” операсининг премьераси бўлиб ўтгани ҳамда “Эрмитаж” давлат музейида Ўзбекистон амалий санъати кўргазмаси очилгани қайд этилди.

Етакчилар бўлажак тадбирлар режасини ҳам муҳокама қилдилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Ўзбекистонда интеграциялашган атом электр станциясининг биринчи энергия блокини қуриш ишларига старт бердилар.

Маросимда телекўприк орқали Халқаро атом энергияси агентлиги (ХАЭА) бош директори Рафаэль Гросси ҳам иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари Владимир Путин ва Рафаэль Гроссига ушбу лойиҳанинг рўёбга чиқарилишини шахсан қўллаб-қувватлаганлари ва кўрсатилган эътибор учун миннатдорлик билдирди. Мамлакатимизда биринчи атом электр станциясини барпо этишда иштирок этаётган Ўзбекистон ва Россия мутахассисларига биргаликдаги саъй-ҳаракатлар ва юксак профессионаллик учун алоҳида ташаккур айтилди.

Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши Ўзбекистоннинг технологик, индустриал ва илмий тараққиётида янги босқични бошлаб бериб, янги тармоқ — атом энергетикасини ривожлантириш учун асос яратиши қайд этилди. Лойиҳа кичик модулли атом генерацияси ҳамда йирик ҳажмли энергетика соҳасидаги энг сўнгги ютуқларни ўзида мужассам этган.

Ўзбекистон етакчиси хавфсизлик лойиҳанинг мутлақ ва сўзсиз шарти эканини алоҳида таъкидлади. Станцияни қуриш ва уни эксплуатацияга тайёрлаш ишлари энг замонавий халқаро стандартлар, илғор муҳандислик ечимлари асосида ҳамда Халқаро атом энергияси агентлигининг доимий назорати остида бажарилмоқда.

Ушбу улкан лойиҳанинг амалга оширилиши ва унинг натижалари Ўзбекистон — Россия кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонч билдирилди.

5 июнь куни давлатимиз раҳбари 29-Петербург халқаро иқтисодий форумининг асосий тадбирларида иштирок этиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерациясига амалий ташрифи давом этмоқда.

ГЛОБАЛ ЭКОЛОГИК ЖАМҒАРМАНИНГ САККИЗИНЧИ АССАМБЛЕЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Ҳурматли ассамблея иштирокчилари!

Хонимлар ва жаноблар!

Сизларни асрлар давомида Шарқ ва Ғарбни, турли маданият ва цивилизацияларни, илм-фан ва амалий билимларни боғлаб келган қадимий Самарқанд шаҳрида самимий қутлаш биз учун улкан шарафдир.

Бугунги йиғилиш 5 июнь — Бутунжаҳон атроф-муҳит куни арафасида ўтаётгани алоҳида рамзий маънога эга. Шу муносабат билан анжуман иштирокчиларини ушбу муҳим сана билан чин дилдан табриклайман.

Барчангиз яхши хабардорсиз, бугунги кунда инсоният мисли кўрилмаган инқирозлар — иқлим ўзгариши, биологик хилмахилликнинг йўқолиб бориши, атроф-муҳит ифлосланиши каби таҳдидларга дуч келмоқда.

Бу каби муаммоларни ҳал этишда Глобал экологик жамғарма алоҳида ўрин эгаллаб келмоқда. 186 та давлатни бирлаштирган ушбу ноёб глобал ҳамкорлик платформаси ҳозирга қадар 170 миллиард АҚШ долларидан зиёд маблағни экологик лойиҳалар учун сафарбар этгани таҳсинга сазовордир.

Минг афсуски, иқлим ўзгариши оқибатида юзага келган чўлланиш, ер деградацияси, музликларнинг эриши ва сув танқислиги Марказий Осиё учун асосий таҳдид бўлиб қолмоқда. Жаҳон банки таҳлилига кўра, минтақамизда қарийб 37 миллион киши сув танқислиги кучли бўлган ҳудудларда яшамоқда ва 2050 йилга бориб бу кўрсаткич 75 миллионга етиши мумкин.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Янги Ўзбекистон мавжуд муаммолар кўламига қарамай экологик трансформацияни янги тараққиёт модели сифатида кўрмоқда. Шу боис биз тизимли лойиҳа бошқарувига ўтиб, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, биохилмахиллик, чиқиндиларни бошқариш, кўкаламзорлаштириш, экологик таълим ва маданиятни қамраб олган бешта миллий лойиҳани амалга оширмоқдамиз.

Мазкур ташаббуслар доирасида 2030 йилга қадар муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдонини республика ҳудудининг 21 фоизигача кенгайтириш, ҳавога зарарли ташламаларни 10,5 фоизга қисқартириш ҳамда ҳар бир ҳудудда дендрология ва ботаника боғларини ташкил этиш режалаштирилган.

Чиқиндилардан энергия ишлаб чиқариш бўйича жорий йилда 2 та, келгуси икки йилда яна 9 та заводни ишга тушириш белгиланган, улар йилига 5,5 миллион тонна чиқиндини қайта ишлаш орқали 1,1 миллион тонна “иссиқхона газлари” ташламаларини қисқартиришга ёрдам беради.

Мамлакатимизда экологик таълим ва илм-фаннинг ягона экотизими шакллантирилиб, “Green University” негизида 10 та илмий-тадқиқот институти ва марказ ҳамда 14 та “яшил” техникум бирлаштирилди, қарийб 2 миллион ёшнинг экологик саводхонлигини ошириш жараёни бошлаб юборилди.

Биз ўтган асрда юз берган Орол фожиасига янгича ёндашиб, унинг оқибатларини бартараф этиш, Оролбўйи ҳудудини тикланиш, илм-фан ва инновациялар майдонига айлантириш йўлида 2 миллион гектардан ортиқ унумдорлигини йўқотган ерларни қайта тикламоқдамиз.

Минтақавий саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ва амалий ечимларни жорий этиш мақсадида “Eco Expo Central Asia” платформаси йўлга қўйилди, у ҳудудлар ва саноатдаги экологик муаммоларни ҳал этишга қаратилган лойиҳаларга молиявий ресурслар ва “яшил” ечимларни жалб этишга хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизларни ташкил этилган кўргазмага таклиф қиламан. “Яшил” лойиҳаларимиз манфаатли келишувларга асос бўлади деган умиддаман.

Қадрли дўстлар!

Албатта, иқлим ўзгаришининг тобора кучайиб бораётган салбий таъсири биздан тезкор амалий қадамларни талаб қилмоқда. Ассамблея доирасида бир қатор ташаббусларни илгари сурмоқчимиз ва уларни ҳаётга татбиқ этишда Сизларнинг қўллаб-қувватлашингиз биз учун муҳим аҳамиятга эга.

Биринчидан. Самарқандни “Марказий Осиёнинг яшил инвестициялар ва инновациялар пойтахти” деб эълон қилишни таклиф этамиз.

Биз Самарқандни минтақавий “яшил” иқтисодиёт, барқарор ривожланиш ва иқлим молияси марказига айлантиришни, шаҳарни пилот “яшил ҳудуд” сифатида ривожлантиришни ҳамда ушбу тажрибани кейинчалик республиканинг бошқа шаҳарларига ҳам татбиқ этишни мақсад қилганмиз.

Иккинчидан. Бундан 600 йил муқаддам Мирзо Улуғбек Самарқандни илм-фан марказига айлантирган бўлса, бугунги кунда Колумбия университетининг Барқарор ривожланиш маркази ҳамкорлигида Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети қошида Улуғбек номидаги Барқарор ривожланиш илмий-тадқиқот институти ташкил этилмоқда.

Институт ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларини “яшил” ва барқарор ривожланиш асосида трансформация қилиш, халқаро илмий марказлар ва молия институтларини жалб этиш бўйича етакчи илмий-таҳлилий платформа бўлади, унинг стратегик бошқаруви эса Президент ҳузуридаги Васийлик кенгаши орқали амалга оширилади.

Учинчидан. Иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларига қарши самарали ечимлар ишлаб чиқиш мақсадида Иқлим ўзгариши ва гидрометеорология миллий маркази ташкил этилмоқда.

Марказ гидрометеорология, эрта огоҳлантириш, гляциология, иқлим таъсирини баҳолаш ва “иссиқхона газлари” мониторингини уйғунлаштириб, иқлим прогнозлари, моделлаштириш, мослашув ва митигация дастурлари, минтақавий ҳамкорлик ҳамда WMO GAW ва NASA AERONET дастурларида иштирок этиш учун институционал замин яратади.

Тўртинчидан. Яқинда Қозоғистон Президенти билан “Тоза ҳаво” давлатлараро консорциумини ташкил этиш бўйича келишувга эришдик. Унинг фаолияти “яшил” молияни жалб этиш, ўрмон-мелиорация, илмий тадқиқотлар, саноатни экологик модернизация қилиш ҳамда мониторинг ва назоратни кучайтиришга қаратилган. Минтақанинг барча давлатларини Консорциум фаолиятига қўшилишга таклиф этамиз.

Бешинчидан. Чўлланишга қарши кураш институти негизида Оролбўйида чўлланиш оқибатларини юмшатиш, “яшил” қалқонлар барпо этиш ва иқлим мослашувига қаратилган “чўл иқтисодиёти” ташаббусини илгари суриб, уни ГЭФнинг устувор йўналишлари билан ҳамоҳанг ҳолда халқаро молиявий ҳамда техник кўмак асосида амалга оширишни таклиф этамиз.

Олтинчидан. 2027 йилги Тошкент инвестиция форуми “Барқарор ривожланиш ва яшил инвестициялар” мавзусида ўтказилиб, унинг доирасида “Eco Expo Central Asia” халқаро кўргазмаси ташкил этилади.

Форумда ҳар бир ҳудуд “яшил” инвестицияларни жалб қилиш учун камида 100 та истиқболли лойиҳани тайёрлаб, инвесторларга тақдим этади.

Яна бир муҳим ташаббусимизни эълон қилмоқчиман. Ўзбекистон Глобал экологик жамғарма донор мамлакатлари қаторига қўшилишга тайёр. Биз Жамғарма Кенгаши аъзоси сифатида қўшма минтақавий ташаббусларни амалий қўллаб-қувватлаш ва ҳамкорликни кенгайтиришни мақсад қилганмиз.

Бугун ўз ишини бошлаётган мазкур ассамблея экологик ҳамкорликнинг янги минтақавий архитектурасини шакллантиришда муҳим майдонга айланишига қатъий ишонаман.

Анжуман ишига улкан муваффақиятлар, барчангизга янги ютуқлар ва омад, оилавий бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЯҚИН ҚЎШНИЧИЛИК ВА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 июнь куни Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Қирғиз Республикаси Президенти ва қардош халқини мамлакатнинг 2027-2028 йилларда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий бўлмаган аъзоси этиб сайлангани муносабати билан самимий табриклади.

Ўзбекистон етакчиси мазкур муваффақият Қирғизистоннинг фаол ташқи сиёсати ҳамда минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга қўшаётган салмоқли ҳиссаси халқаро ҳамжамият томонидан юксак эътироф этилаётганининг ёрқин ифодаси эканини таъкидлади.

Томонлар халқаро майдонда яқиндан мувофиқлаштирув ва ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттиришга тайёр эканликларини тасдиқладилар.

Суҳбат чоғида давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари бугунги кунда юксак даражага кўтарилганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Олий даражадаги учрашувлар давомида эришилган, энг аввало, иқтисодиёт, транспорт, энергетика соҳаларида, маданий-гуманитар йўналишдаги келишувларнинг амалий ижросини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Етакчилар бўлажак олий даражадаги тадбирлар режасини ҳам кўриб чиқдилар.

ЎзА.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 5 июнь

МАВЖУД ИМКОНИЯТЛАР ТЎЛИҚ РЎЁБГА ЧИҚАРИЛАДИ

Сербиянинг Белград шаҳрида Парламентлараро Иттифоқ Парламентлар аёл аъзолари глобал конференцияси бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги Ўзбекистон парламент делегацияси иштирок этди. Анжуман тадбирлари доирасида қатор олий даражадаги мулоқотлар ҳам уюштирилди. Хусусан, куни кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Сербия Республикаси Президенти Александр Вучич билан учрашув ўтказди.

Учрашув

Ушбу мулоқотда Сербия етакчиси Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга самимий ва эзгу тилакларини йўллаб, икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ўзаро ишонч ва дўстлик руҳида изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Суҳбат чоғида олий даражада сиёсий мулоқотни давом эттириш, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ҳамда истиқболли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига эътибор қаратилди. Хусусан, тўқимачилик, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, туризм, транспорт-логистика, саноат кооперацияси ва энергетика каби йўналишларда икки томонлама ҳамкорлик салоҳияти юқори экани қайд этилди.

Александр Вучич мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт суръатларини юксак баҳолаб, Ўзбекистонни Евроосиё минтақасидаги энг жадал ривожланаётган давлатлардан бири сифатида эътироф этди.

Шунингдек, Сербия Президенти Белградда ўтказилган Парламентлараро Иттифоқ тадбирларида Ўзбекистон делегациясининг фаол иштирокини қизғин қутлаб, бу йўналишда алоқаларни янада фаоллаштириш давлатлараро муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади.

Учрашув якунида Сербиянинг Ўзбекистон билан барча йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришга қатъий интилиши билдирилди.

Шунингдек, Сенат Раиси Сербия Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт вазири Адриана Месарович билан ҳам учрашув ўтказди.

Адриана Месарович Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштирокини кенгайтириш ва қарорлар қабул қилиш жараёнларида уларнинг ролини кучайтиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларни юқори баҳолаб, бу мамлакат иқтисодий ривожи учун муҳим эканини қайд этди.

Музокаралар чоғида Ўзбекистон — Сербия савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларининг бугунги ҳолати ҳамда истиқболлари муҳокама қилинди. Ўзаро товар айирбошлашни кўпайтириш, қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, шунингдек, саноат, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, ахборот технологиялари ва электрон тижорат соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Тўқимачилик саноатида шерикликни ривожлантириш, жумладан, қўшма корхоналар ташкил этиш ва икки мамлакат корхоналари ўртасида кооперация алоқаларини кенгайтиришдан томонлар манфаатдор экани таъкидланди.

Ҳамкорликнинг мавжуд салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш учун Ўзбекистон ва Сербия халқлари манфаатлари йўлида ишбилармон доиралар ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш муҳимлиги таъкидланди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон — Малайзия:

АЛОҚАЛАР ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Спикер Н. Исмоиловнинг Малайзиянинг Ўзбекистондаги ўз фаолиятини якунлаётган Фавқулодда ва Мухтор элчиси Илҳам Туа бин Иллиас билан учрашуви бўлиб ўтди.



Мулоқот

Учрашувда сўнгги йилларда олий даражадаги мулоқотлар фаоллашиб бораётгани, давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси билан икки томонлама ҳамкорлик сифат жиҳатдан юқори босқичга кўтарилгани қайд этилди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йил февраль ойида Малайзияга ташрифи икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни ривожлантиришга катта суръат бағишлаб, ўзаро ҳамкорлик алоқаларида янги саҳифа очгани таъкидланди.

Қонунчилик палатаси Спикери элчининг Ўзбекистон — Малайзия муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни изчил кенгайтиришга қўшган салмоқли ҳиссасини алоҳида қайд этди.

Ўз навбатида, элчи самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистондаги фаолияти давомида мамлакат, унинг меҳмондўст халқи ва бой маданий мероси ҳақида жуда илиқ таассуротларга эга бўлганини таъкидлади.

Шунингдек, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатда барча соҳаларда амалга оширилаётган тарихий ислоҳотларни юқори баҳолаб, бу Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини алоҳида эътироф этди.

Элчининг таъкидлашича, сўнгги йилларда Ўзбекистон халқаро парламентлараро мулоқотлар, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва конструктив сиёсий мулоқотнинг муҳим марказларидан бирига айланиб бормоқда.

Учрашув давомида икки давлат парламентлари ҳамкорлик муносабатларининг ҳозирги ҳолати ва уни янада кенгайтириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Парламент дипломатияси салоҳиятидан самарали фойдаланиш, қонун ижодкорлиги соҳасида тажриба алмашиш лозимлиги таъкидланди.

Учрашув дўстона ва конструктив руҳда ўтди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси, Экологик партия фракцияси ҳамда Адлия вазирлиги ҳамкорлигида "Ўзбекистоннинг экология соҳасидаги халқаро ҳамкорлиги: муаммо ва ечимлар" мавзуида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди.

5 июнь — Бутунжаҳон атроф-муҳит куни муносабати билан ташкил этилган тадбирда депутатлар, Адлия вазирлиги вакиллари, Тошкент давлат юридик университети профессор-ўқитувчилари, Польша, Тожикистон, Қозоғистон, Туркия, Беларусь, Озарбайжон каби кўплаб хорижий давлатларнинг етакчи ҳуқуқшунос олимлари, экологлар ҳамда журналистлар қатнашди.

Таъкидланганидек, 1972 йил 5 июнь куни Стокгольм шаҳрида БМТнинг атроф-муҳитга бағишланган конференциясида Бутунжаҳон атроф-муҳит кунини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинган. Халқаро экологик сана инсонларни табиат муҳофазаси билан боғлиқ фаолиятга жалб этиш, кенг жамоатчилик тафаккурида табиий ресурсларни асраш, улардан оқилона фойдаланиш орқали табиий бойликларни келгуси авлодларга етказиш масъулиятини англатишга қаратилгани билан бир қаторда, халқаро ҳамжамиятнинг эътиборини атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда глобал экологик муаммоларнинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбир кўришга ундайди.

Бугунги кунда бутун дунёда, хусусан, Марказий Осиё минтақасида кузатилаётган глобал иқлим ўзгаришлари, сув ресурсларининг тақчиллиги ва биохилмахилликни сақлаб қолиш масалалари бундай халқаро ҳамкорликни тақозо этмоқда. Конференция айнан шу каби глобал экологик чақириқларга аниқ ҳуқуқий ечимлар излаш, соҳага оид миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда тажриба алмашиш мақсадида ўтказилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда экологик хавфсизликни таъминлаш, табиатни муҳофаза қилиш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Соҳанинг ҳуқуқий асослари ҳам такомиллаштирилмоқда. Хусусан, "Экологик аудит тўғрисида"ги, "Иссиқхона газларининг чиқарилишини чеклаш тўғрисида"ги, "Экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди.

Конференциянинг ялпи ва шуъба йиғилишларида барқарор экологик ривожланишни таъминлашда Ўзбекистон тажрибасининг асосий жиҳатлари, экологик қонунчиликни кодификациялаш, иқлим ўзгаришлари салбий оқибатларининг олдини олиш масалалари муҳокама этилди.

Халқаро эксперт ва олимлар томонидан Марказий Осиёнинг барқарор ривожланишида минтақавий ҳамкорлик омиллари ҳамда қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқаришдаги ҳуқуқий механизмлар, халқаро экологик ҳуқуқни ўқитишнинг илғор тажрибаларига эътибор қаратилди.

Илмий-амалий конференция давомида халқаро экспертлар томонидан мамлакатимизда сув ресурсларини муҳофаза қилиш, қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш, органик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар юқори баҳоланди.



Зебинисо РАҲМОНОВА, қўмита аъзоси:

— Анжуман экология соҳасидаги халқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, мавжуд муаммоларга ҳуқуқий ечимлар ишлаб чиқиш ва илғор тажрибаларни ўрганиш учун муҳим мулоқот майдони бўлди. Айниқса, иқлим ўзгариши, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва биохилмахилликни сақлаш каби долзарб масалалар юзасидан билдирилган таклифлар миллий қонунчиликни такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Соҳа мутахассислари билан ўзаро фикр алмашинувимиз экологик хавфсизликни таъминлаш ва барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга доир муҳим тавсияларни ишлашга хизмат қилади.

Тадбир доирасида қизғин мунозаралар якуни бўйича тегишли илмий-амалий хулосалар қабул қилинди.

Сенат қўмиталарида

КУН ТАРТИБИДА — ЯНГИ МАРКАЗЛАР ФАОЛИЯТИГА ДАХЛДОР ҚОНУНЛАР

Кеча Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси мажлисида "Тошкент халқаро молия маркази тўғрисида"ги Конституциявий қонун муҳокама қилинди.



Қайд этилганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда инвестициялар ҳажмини кўпайтириш, капитал бозорини ривожлантириш ва илғор халқаро стандартларни жорий этиш борасидаги ишлар изчил амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, халқаро молия, ҳуқуқ ва технологиялар соҳаларида юқори маошли иш ўринларини яратиш ҳамда инсон капиталини ривожлантириш, мамлакатнинг кредит рейтингини ошириш ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро инвестиция рейтингларидаги мавқеини мустаҳкамлаш борасида самарали ишлар олиб бориляпти. Шунингдек, республикани минтақавий молиявий марказга айлантириш ва глобал молиявий тизимга интеграциясини таъминлаш соҳаси ҳам жадал ривожланмоқда.

Мазкур қонун билан Тошкент халқаро молия маркази фаолиятининг асосий принциплари, мақсади ва вазифалари, иштирокчилари, марказ ҳудудида амалга ошириладиган фаолият, қўлланиладиган ҳуқуқ, рақамли активлар соҳасида махсус тартибга солиш режими ҳамда марказнинг инвестициявий солиқ резидентлиги дастури белгиланмоқда.

Бундан ташқари, қонунда Тошкент халқаро молия маркази ҳудудида жиноий юрисдикцияни амалга ошириш, марказ иштирокчиларининг пул мажбуриятлари ва валютани тартибга солиш, солиқ ва божхона режимлари, чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар учун виза тартиби, хорижий ишчи кучини жалб этиш бўйича нормалар ҳам белгиланмоқда.

Марказ органлари, Кенгаш, бошқарувчи, молиявий хизматлар бошқармаси ва Тошкент халқаро тижорат судининг ваколатлари, марказда қўлланиладиган тил режими, ўтиш қоидалари ҳамда уни фаоллаштириш тартиби аниқлаштирилмоқда.

Шу билан бирга, ўтиш даврида лицензияларни тан олиш, молиявий хизматлар кўрсатиш учун вақтинча рухсат бериш ва халқаро лицензияга эга юридик шахслар учун ихтиёрий ўтиш даври лицензиясини беришга оид меъёрлар ҳам киритилмоқда.

Конституциявий қонун билан марказ Кенгашига уни ривожлантиришнинг умумий йўналиши ва стратегиясини белгилаш ҳамда йиллик бюджети, аудиторлик хулосалари ва фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини тасдиқлаш каби ваколатлар берилмоқда.

Шунингдек, Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси йиғилишида "Рақамли технологиялар халқаро маркази тўғрисида"ги Конституциявий қонун ҳам муҳокама қилинди.

Ушбу қонун билан мазкур марказ ҳудудида махсус ҳуқуқий режимни яратиш, хусусан, рўйхатга олиш, лицензиялаш ва тадбиркорлик тартиб-таомилларини соддалаштириш, тижорат операцияларини тартибга солишда халқаро стандартларни қўллаш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, мослашувчан солиқ ва божхона режими, айрим фаолият турлари бўйича солиқлардан озод қилиш, асбоб-ускуналар, технологиялар ва материалларни олиб киришнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш белгиланяпти.

Қонунда марказ ва давлат органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг аниқ тартибларини белгилаш, бизнес юритишда маъмурий тўсиқларни қисқартириш назарда тутилган.

Марказ фаолияти йўлга қўйилиши натижасида 2030 йилга қадар юртимизда рақамли хизматлар экспортини 5 млрд. АҚШ долларига етказиш, иқтисодиётимизда юқори даромад келтирувчи 300 мингдан ортиқ янги иш ўринларини яратиш ҳамда кўплаб иқтидорли ёшларнинг мамлакатимиз ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшишига шароит яратилади.

Сенаторлар томонидан Конституциявий қонун IT соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини оширишга, рақамли секторга кириб келадиган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кўпайтиришга, рақамли технологиялар соҳасида янги иш ўринларини яратишга ҳамда IT хизматлари экспорт ҳажмини кенгайтиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Муҳокамалар якунида қонунларни навбатдаги ялпи мажлис кун тартибига киритиш юзасидан қўмиталарнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Сенатор ва ҳаёт

МАҲКУМЛАРНИНГ ЯШАШ ШАРОИТИ КЎЗДАН КЕЧИРИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси аъзоси Комила Карамова Қашқадарё вилоятининг Косон туманидаги жазони ижро этиш муассасасида маҳкумлар билан учрашди.

Суҳбат давомида Сенат ялпи мажлисларида қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти, уларнинг фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашдаги аҳамияти батафсил тушунтирилди.

Учрашувда маҳкумларни қизиқтирган масалалар бўйича саволларга ҳам атрофлича жавоб қайтарилди. Шунингдек, сайёр қабул ташкил этилиб, уларнинг ўндан ортиқ мурожаатлари кўриб чиқилди ҳамда ҳар бир мурожаат юзасидан ҳуқуқий тушунтириш ва амалий тавсиялар берилди.

Сенатор муассасада маҳкумларнинг меҳнат билан бандлигини таъминлаш, касб-ҳунарга ўқитиш, маънавий-маърифий ишларга жалб этиш ҳамда бўш вақтларини мазмунли ташкиллаштириш мақсадида яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишди. Хусусан, ишлаб чиқариш цехлари, касб-ҳунар ўргатиш хоналари ва маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш учун ташкил этилган объектлар кўздан кечирилди.

Таъкидланганидек, маҳкумларнинг меҳнат фаолияти билан шуғулланиши, касбий кўникмаларни эгаллаши ва ўз устида ишлаши учун яратилаётган имкониятлар уларнинг ижтимоий мослашувини таъминлаш ҳамда жазо муддати тугагач жамиятга муваффақиятли интеграциялашувига хизмат қилади.

Сенаторнинг жазони ижро этиш муассасаси ходимлари билан учрашуви давомида муассаса фаолиятини янада такомиллаштириш, маҳкумларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган ишлар юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар билдирилди.

КАДАСТР ТИЗИМИ КОРРУПЦИЯДАН ТОЗАЛАНАДИМИ?

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси ҳамда халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг ушбу вилоятда ўтказилган қўшма мажлисида кадастр тизимида коррупциянинг олдини олиш бўйича йўлга қўйилган ишлар муҳокама қилинди.

Йиғилиш

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мазкур тизимда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, аҳолига сифатли давлат хизматлари кўрсатиш ҳамда коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ер ажратиш, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш ва давлат хизматлари кўрсатиш жараёнларида қонун бузилиши ҳолатларини барвақт аниқлаш ҳамда уларга чек қўйиш бўйича назорат кучайтирилди.

Шу билан бирга, кадастр тизимида коррупциянинг олдини олиш борасида амалга оширилган ишлар таҳлили ўз ечимини кутаётган қатор масалалар мавжудлигини кўрсатди.

Жумладан, 2024-2025 йиллар ва 2026 йилнинг I чорагида Кадастр агентлигининг 425 нафар ходими томонидан 347 та коррупциявий ва мансабдорлик жинояти содир этилган. Ушбу жиноятлар оқибатида давлат ва жамият манфаатларига 70 млрд. сўмдан ортиқ моддий зарар етказилган.

Қонунбузарликлар фақат ходимлар томонидан эмас, балки раҳбарлар томонидан ҳам содир этилган. Хусусан, охирги икки йилда 46 нафар раҳбар кадр жиноятга қўл урган.

Вилоятда коррупцияга қарши курашиш борасидаги ишлар самарали ташкил этилмаганлиги натижасида мансабдор шахслар томонидан белгиланган вазифаларга масъулият билан ёндашилмаган.

Ҳудудий идораларга коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан чора-тадбирларни белгилаш тавсия этилди.

Мажлис якунида Сенат қўмитаси ҳамда халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг ҳудудда коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятни яхшилаш ва ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш юзасидан қўшма қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ МУҲОКАМАСИ

Қонунчилик палатасининг Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан Соғлиқни сақлаш ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирликларининг "2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларнинг ижроси тўғрисида"ги ахборотлари эшитилди.

Унда депутатлар, тегишли вазирликлар, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Миграция агентлиги, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси мутасаддилари, экспертлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларини миллий даражада амалга ошириш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда камбағалликни қисқартириш соҳаларида олиб борилаётган ишлар самарадорлиги муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини ошириш, инсон капиталини ривожлантириш, ижтимоий ҳимоя тизимини янада такомиллаштириш ҳамда фуқароларнинг ҳаёт сифатига таъсир кўрсатувчи муҳим соҳаларни модернизация қилишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ушбу жараёнларда барқарор ривожланиш тамойиллари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, миллий мақсад ва вазифаларнинг самарали ижросини таъминлашга хизмат қилувчи аниқ механизмлар шакллантирилди.

Эшитув давомида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, профилактик тиббий хизматлар қамровини кенгайтириш, оналик ва болалик ҳимояси, ижтимоий хизматлар сифатини ошириш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш, муносиб меҳнат шароитларини яратиш ҳамда бандликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан тегишли масъул идораларнинг ахборотлари ҳам тингланди.

Тақдим этилган ахборотга кўра, мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш ва аҳолининг даромад манбаларини кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида ижтимоий ҳимоя тизимининг манзиллилиги ва самарадорлигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, меҳнат бозорини ривожлантириш, аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш, ишсизлик даражасини қисқартириш ҳамда меҳнат миграцияси соҳасида замонавий ёндашувлар ижроси бўйича амалий ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Муҳокамалар давомида депутатлар амалга оширилаётган ишлар билан бирга, соҳаларидаги мавжуд муаммолар, айрим кўрсаткичларга эришиш суръатлари, ҳудудлар кесимидаги тафовутлар ҳамда аҳолини қийнаётган долзарб масалалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди.



Севара УБАЙДУЛЛАЕВА, қўмита аъзоси:

— Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ҳар бир соҳада аниқ натижадорлик ва масъулиятни талаб этади. Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий вазифаларнинг самарали ижросини таъминлашда давлат органлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, натижадорликка асосланган мониторинг тизимини такомиллаштириш, ижтимоий соҳада рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш ҳамда парламент назорати таъсирчанлигини ошириш муҳим. Биз, депутатлар бу борадаги ишларнинг тизимли ва самарали ташкил этилиши, белгиланган мақсад ва вазифаларнинг ўз вақтида ҳамда сифатли бажарилиши устидан таъсирчан парламент назоратини амалга ошириш, аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш ва барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга муносиб ҳисса қўшишда фаол иштирок этамиз.

Йиғилиш якунида мазкур масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон ва Гонгконг ўртасида 30 кунлик визасиз режим жорий этилади.

АМИН ҲАМРОЕВИЧ ТОЖИЕВ



Бутун ҳаёти ва меҳнат фаолиятини мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга бағишлаган таниқли давлат ва жамоат арбоби, меҳнат фахрийси Амин Ҳамроевич Тожиев 2026 йил 4 июнь куни 79 ёшида вафот этди.

А.Тожиев 1947 йил 12 апрелда Тўрткўл туманида туғилди. Ўрта мактабни тугатганидан сўнг Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти (ҳозирги "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" миллий-тадқиқот университети)ни муҳандис-механик мутахассислиги бўйича тамомлади. Меҳнат фаолиятини 1968 йил Тўрткўл туманидаги ал-Хоразмий номидаги жамоа хўжалигининг техника хавфсизлиги муҳандиси сифатида бошлади. Кейинчалик Тўрткўл, Элликқалъа, Амударё туманларида раҳбарлик лавозимларида ишлади.

Катта ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган А. Тожиев Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, қишлоқ хўжалиги вазири, Ўрмон хўжалиги бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси давлат агросаноат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари каби масъул лавозимларда фидокорона меҳнат қилди.

А. Тожиев ўзининг 50 йилдан зиёд меҳнат фаолияти давомида Оролбўйи минтақасидаги мураккаб шароитда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, инфратузилма тармоқларини яратиш, аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш бўйича кўплаб ишларни амалга оширди.

Хусусан, сув танқислигини бартараф этиш мақсадида "Туямўйин — Нукус — Тахтакўпир" суғориш тармоғи ва кўплаб ижтимоий ва маданий объектларни барпо этишда жонбозлик кўрсатди.

У нафақага чиққанидан кейин ҳам Қорақалпоғистон Республикаси ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиб, экологик муҳитни яхшилаш, аҳоли учун қулай шароитлар яратиш, кенг кўламли қурилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини олиб боришга қаратилган лойиҳаларни рўёбга чиқариш, кекса авлод манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга ўзининг бой ҳаётий билим ва тажрибасини бахш этди.

А. Тожиевнинг мамлакатимизни тараққий эттириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Эл-юрт ҳурмати", "Дўстлик" ва "Меҳнат шуҳрати" орденлари, "Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган механизатор" фахрий унвони билан мукофотланган эди.

Таниқли давлат ва жамоат арбоби, ёшларнинг меҳрибон устози, самимий ва камтарин инсон Амин Ҳамроевич Тожиевнинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, А. ОРИНБАЕВ, Ф. ЭРМОНОВ, С. ТУРДИЕВ

Халқаро анжуман

ТАБИИЙ МУВОЗАНАТНИ САҚЛАШ ЙЎЛИДАГИ МУШТАРАК МАҚСАДЛАР

Самарқандда Глобал экологик жамғарма (GEF)нинг VIII ассамблеяси расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда дунёнинг 186 мамлакатидан вазирлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, олимлар, фуқаролик жамияти вакиллари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Ассамблея доирасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқлим ўзгаришига қарши курашиш, биохилмахилликни сақлаш ҳамда барқарор ривожланишни таъминлаш каби долзарб масалалар кенг муҳокама қилинмоқда. Шунингдек, экологик муаммоларга ечим топишда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва инновацион ёндашувларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари Саида Мирзиёева Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ассамблея иштирокчиларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

Унда қайд этилганидек, халқаро анжуман 5 июнь — Бутунжаҳон атроф-муҳит куни арафасида ўтаётгани алоҳида рамзий маънога эга.

Янги Ўзбекистон экологик трансформацияни тараққиётнинг янги модели сифатида кўрмоқда. Мамлакатда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, биохилмахилликни асраш, чиқиндиларни бошқариш, кўкаламзорлаштириш, экологик таълим ва маданият масалаларини қамраб олувчи бешта миллий лойиҳа амалга оширилмоқда.

Экологик таълим ва илм-фаннинг ягона экотизими шакллантирилиб, "Green University" негизида 10 та илмий-тадқиқот институти, марказ ҳамда 14 та "яшил" техникум бирлаштирилган, қарийб 2 миллион ёшнинг экологик саводхонлигини ошириш жараёни бошланган.

Оролбўйи ҳудудини тиклаш, илм-фан ва инновациялар маконига айлантириш бўйича кенг кўламли чоралар, жумладан, деградацияга учраган икки миллион гектардан ортиқ ерларни қайта тиклаш ишлари олиб борилмоқда.

Президентимизнинг табригида қатор халқаро ташаббуслар илгари сурилди. Самарқандни "Марказий Осиёнинг "яшил" инвестициялар ва инновациялар пойтахти" деб эълон қилиш, Колумбия университетининг Барқарор ривожланиш маркази билан ҳамкорликда Улуғбек номидаги Барқарор ривожланиш илмий-тадқиқот институтини, шунингдек, Миллий иқлим ўзгариши ва гидрометеорология марказини ташкил этиш шулар жумласидан.

Табрикда Ўзбекистоннинг Глобал экологик жамғарма донор мамлакатлари қаторига қўшилишига тайёр экани ҳам маълум қилиниб, минтақавий экологик ташаббусларни фаол қўллаб-қувватлаш нияти билдирилди.

Маросимда БМТ Бош котиби ўринбосари — атроф-муҳит бўйича дастури (UNEP) ижрочи директори Ингер Андерсен, Базель, Роттердам ва Стокгольм конвенцияларининг ижрочи котиби Рольф Пает ҳамда GEF бош директори ва стратегия ҳамда операциялар бўйича директори Клод Гаскон ҳам нутқ сўзлади. Тадбир иштирокчилари глобал экологик муаммоларга самарали жавоб бериш учун халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, илмий салоҳиятни бирлаштириш ва иқлимга доир молиялаштириш ҳажмини кенгайтириш муҳимлигини таъкидлади.

Самарқандда бўлиб ўтаётган GEFнинг VIII ассамблеяси нафақат халқаро форум, балки Ўзбекистон учун глобал "яшил" кун тартибида ўз позициясини мустаҳкамлаш, инвестицияларни жалб этиш ва миллий экологик устувор йўналишларни жадаллаштиришга хизмат қиладиган стратегик имкониятдир.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»).

ИНВЕСТОРЛАРНИНГ ЮКСАК ИШОНЧИ ИФОДАСИ

«Fitch Ratings» халқаро рейтинг агентлиги Ўзбекистоннинг суверен кредит рейтинги прогнозини «барқарор»дан «ижобий»га ўзгартириб, «BB» даражасида тасдиқлади

Жаҳон иқтисодиётида сақланиб турган беқарорлик ҳамда глобал молия бозорларидаги ноаниқликларга қарамасдан Ўзбекистонда макроиқтисодий кўрсаткичлар яхшиланиб, барқарор ўсиш суръатлари кузатилмоқда. Бу эса халқаро ҳамжамият томонидан муносиб эътироф этилмоқда. "Fitch Ratings" халқаро рейтинг агентлиги Ўзбекистоннинг суверен кредит рейтинги прогнозини "барқарор"дан "ижобий"га ўзгартириб, "BB" даражасида тасдиқлагани бунинг ёрқин далили. Шубҳасиз, бу Президентимиз томонидан изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг юксак самарасидир.



Эътироф

"Fitch Ratings" куни кеча эълон қилган ҳисоботда қайд этилишича, мамлакат иқтисодиёти юксалиш салоҳиятини сақлаб қолган бўлиб, ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши 2026 йилда 6 фоизни, 2027-2028 йилларда эса ўртача 6,4 фоизни ташкил этиши кутилмоқда. Бунинг асосий омилларидан бири сифатида таркибий ўзгаришлар изчил давом эттирилаётгани келтирилмоқда. Яъни оқилона пул-кредит сиёсати юритилиб, хусусийлаштириш жараёни шаффофлиги таъминланяпти, бизнес юритиш тобора либераллаштирилмоқда. Қолаверса, Ўзбекистон Миллий инвестиция жамғармасининг жорий йил май ойида дунё капитал бозорларига чиқиши халқаро ҳамкорлик йўлида ташланган навбатдаги муҳим қадам бўлди.

Агентлик давлат қарзининг пастлигини Ўзбекистон иқтисодиётининг кучли томонларидан бири сифатида эътироф қилмоқда. Прогнозларга кўра, давлат қарзининг ялпи ички маҳсулотга нисбати пасайиши давом этиб, келгуси йилларда 28 фоизга тушиши мумкин. Бундан ташқари, мамлакатнинг халқаро захиралари ҳам ижобий баҳоланди. Агентликнинг таъкидлашича, халқаро захиралар аллақачон 66 миллиард долларга етган бўлиб, ушбу рақам 71 миллиард долларгача ошиши мумкин. Халқаро захираларнинг мустаҳкамланиши ташқи хатарлар таъсирига чидамлилик ва молиявий барқарорликни сақлашга ёрдам беради.

Шунингдек, "Fitch Ratings" инфляция даражаси пасайиб, иқтисодиётнинг долларлашуви босқичма-босқич қисқариб бораётгани ва банк-молия сектори фаолиятини ҳам юқори баҳолади. Буларнинг бари халқаро инвесторлар томонидан мамлакатимизга билдирилган юксак ишонч белгисидир. Бинобарин, Ўзбекистон суверен кредит рейтингини ошириш бўйича белгиланган стратегик мақсад — 2030 йилга қадар юртимиз рейтингини "инвестициявий" даражага олиб чиқиш.

Бир гуруҳ экспертлар Ўзбекистон суверен кредит рейтинги прогнозининг мамлакат иқтисодиёти ва инвестициявий муҳитида тутган ўрни ҳамда аҳамияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Машъал САИДОВ, Шахрисабз давлат педагогика институти ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор:



— Дунёдаги энг йирик ва нуфузли халқаро агентликлардан бири бўлган "Fitch Ratings"нинг Ўзбекистон суверен кредит рейтинги прогнозини "барқарор"дан "ижобий"га ўзгартириши халқаро сармоявий ҳамжамият учун муҳим сигнал, мамлакат иқтисодий сиёсатига ишончнинг ўзига хос кўрсаткичидир. Чунки азалдан бундай рейтинг баҳолари инвестициялар оқимини бошқариш, истиқболли бозор топиш ва ишончли ҳамкор танлашда муҳим аҳамият касб этган. Шу маънода, агентликнинг бу галги қарори мамлакатимизда олиб борилаётган таркибий ўзгаришлар бераётган беқиёс самараларнинг ёрқин ифодаси бўлди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш, молия тизимини такомиллаштириш, давлат активларини хусусийлаштириш, бошқарувда шаффофликни ошириш борасида сезиларли ютуқларга эришилди. Таҳлилчилар ушбу ўзгаришларни диққат билан кузатиб боряпти, албатта. Айниқса, Ўзбекистон Миллий инвестиция жамғармасининг халқаро капитал бозорларига чиқиши, агентлик эътироф этганидек, мамлакатимиз иқтисодиётининг жаҳон молия тизимига интеграцияси чуқурлашиб бораётганини тасдиқлайди. Бу эса хорижий инвесторлар учун Ўзбекистонга сармоя киритиш йўлида янги имкониятлар пайдо бўлганидан далолат беради.

Маълумки, инвестициялар иқтисодий тараққиётни ҳаракатлантирувчи энг муҳим омиллардан бири бўлиб, улар ҳажмининг ошиб бориши барқарор ўсиш суръатларини жадаллаштиради. Чунки инвестиция оқимлари кўпайиши аҳоли фаровонлигини юксалтиришда стратегик аҳамият касб этиб, аввало, бандликни кенгайтириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар сифатини яхшилаш учун зарур ишлаб чиқариш ва инфратузилма базасини мустаҳкамлайди.

Шу билан бирга, инвестициялар мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш орқали ташқи бозорларда рақобатбардошликни кучайтиради. Шу маънода, етакчи рейтинг агентлигининг ўз прогнозини "ижобий"га ўзгартириши инвестициявий ресурслар учун ҳозирги кучли рақобат шароитида Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини янада мустаҳкамлайди. Иқтисодиётнинг реал секторига янги сармоялар оқимини буриш, капитал инвестициявий ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, хориждан биз учун мақбул кредит линияларини жалб қилиш имкониятларини кенгайтиради.

Шерзод РАЖАБОВ, Абдулла Авлоний номидаги Педагогик маҳорат миллий институти проректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор:



— Халқаро молиявий майдонда Ўзбекистоннинг мавқеи юксалиб бораётгани давлатимиз юритаётган очиқлик, шаффофлик ва прагматик иқтисодий сиёсатнинг маҳсулидир. "Fitch Ratings" агентлигининг ижобий баҳоси мамлакатимиз иқтисодий суверенитети мустаҳкамлигини яна бир бор намойиш қилди. Бу ютуқ янги марраларни забт этиш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш ва барқарор келажакни қуриш йўлидаги ислоҳотларга янада катта куч ва ишонч бағишлайди.

Сўнгги йилларда Президентимизнинг хорижий давлатларга амалга оширган расмий ва давлат ташрифлари анъанавий сиёсий мулоқот доирасидан чиқиб, соф амалий ва иқтисодий характер касб этмоқда. Ҳар бир ташриф аввалида йирик бизнес-форумларнинг ташкил қилиниши ва уларда миллиардлаб долларлик шартномалар имзоланиши бунинг яққол далилидир. Саноат кооперацияси, қўшма инвестиция фондларининг ташкил этилиши трансчегаравий лойиҳаларни молиялаштириш имконини берди. Хитой, Жанубий Корея, Саудия Арабистони ва БАА каби давлатлар билан ҳамкорлик туфайли Ўзбекистон иқтисодиётига тўғридан-тўғри инвестициялар оқими кескин кўпайди. Айниқса, "яшил" энергетика, кимё саноати ва инфратузилмани янгилаш йўналишида йирик трансмиллий компаниялар мамлакатимизга кириб келди. Европа Иттифоқи ва АҚШ билан ҳамкорлик юқори технологиялар трансфери, рақамлаштириш ва қишлоқ хўжалигини модернизациялашга хизмат қилмоқда.

Энг муҳими, инвестициялар сиёсатида таркибий ўзгариш юз берди: эндиликда хорижий сармоялар фақат хомашё қазиб олишга эмас, балки юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилмоқда. Бу импорт ҳажмини камайтириб, экспорт салоҳиятини оширмоқда. Натижада кечагина эҳтиёткорлик билан Ўзбекистон бозорига кириб келган сармоядор бугун эркин фаолият юритиш орқали бизнесда бемалол нафас олаётир. Бу ҳам халқаро рейтинг ташкилотининг назаридан четда қолмаган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилган йиллик хорижий инвестициялар ҳажми 22 миллиард доллардан ошиб, шундан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши 14 миллиард долларни ташкил этди. Бу, албатта, давлатимиз раҳбарининг ташаббускорлиги самарасидир.

Ташқи инвестицияларни фаол жалб қилиш ички иқтисодий трансформация билан узвий боғлиқ. Шу боис давлатнинг иқтисодиётдаги улушини камайтириш ва хусусий секторни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат активларини хусусийлаштириш мутлақо янги суръатда давом эттирилмоқда. Бу жараёнларнинг "E-auksion" электрон платформаси орқали очиқ-ошкора ўтказилиши инвесторларнинг тизимга ишончини оширди.

Халқаро рейтинг агентликлари, хусусан, Ўзбекистоннинг суверен кредит рейтинги бўйича прогнозини "барқарор"дан "ижобий"га ўзгартирган ва рейтингни "BB" даражасида тасдиқлаган "Fitch Ratings" ҳам ўз ҳисоботида айнан мана шу институционал ислоҳотлар, хусусийлаштириш суръатлари ва ташқи иқтисодий очиқлик сиёсатини асосий омиллар сифатида келтирган.

«Халқ сўзи».



Ёқуб ЭРГАШЕВ, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, физика-математика фанлари доктори, профессор:

— "Fitch Ratings" томонидан Ўзбекистоннинг истиқбол кўрсаткичи "ижобий" деб эълон қилиниши мамлакат иқтисодиёти тўғри йўналишда, жадал суръатлар билан ривожланаётганига берилган холисона баҳодир. "BB" даражасидаги рейтингнинг мустаҳкамланиши Ўзбекистоннинг ташқи "шок"ларга ва глобал геосиёсий тебранишларга нисбатан чидамлилиги ортганини кўрсатади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ҳозирги мураккаб халқаро вазият, хомашё бозорларидаги беқарорлик ва логистика занжирларидаги узилишларга қарамай, Ўзбекистон иқтисодиётида юқори ўсиш динамикасини намойиш этяпти.

Агентлик ўз ҳисоботида Ўзбекистоннинг макроиқтисодий кўрсаткичларини чуқур таҳлил қилиб, прогнознинг яхшиланишига сабаб бўлган бир нечта муҳим омилларни алоҳида ажратиб кўрсатган. Аввало, ялпи ички маҳсулот сўнгги йилларда 6 фоиз ва ундан юқори суръатларда ўсиб бормоқда. Бу кўрсаткич минтақа ва дунёдаги ўртача ривожланиш суръатларидан сезиларли даражада юқоридир. Шунингдек, энергия ресурслари тарифларини босқичма-босқич либераллаштириш, давлат корхоналарини хусусийлаштириш жараёнлари ва монополияга қарши кураш сиёсати халқаро таҳлилчилар томонидан юқори баҳоланмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, Ўзбекистоннинг олтин-валюта захиралари мустаҳкамланиб бораётгани давлатнинг ташқи мажбуриятларини бажариш ва миллий валюта барқарорлиги кафолати эканлиги эътироф қилинмоқда. Агентлик ўз баёнотида Ўзбекистон давлат қарзининг юқори чегараси қонунан ЯИМга нисбатан 60 фоиз этиб белгиланган бўлса-да, амалда бу кўрсаткич анча паст эканини алоҳида таъкидлаган. Чунки бу давлатнинг молиявий мажбуриятлари хавфсиз даражада эканидан далолат беради.

Шу билан бирга, институционал ислоҳотлар, хусусан, Жаҳон савдо ташкилотига (ЖСТ) аъзо бўлиш йўлидаги қатъий қадамлар, коррупцияга қарши курашиш йўриқ-йўсинларининг такомиллаштирилиши ва суд-ҳуқуқ тизимидаги ижобий ўзгаришлар мамлакатнинг суверен рейтинги келажакда янада кўтарилишидан дарак бераётир.

Очиғи, мамлакат рейтингининг "ижобий"га ўзгариши дунёдаги йирик инвесторлар учун "Ўзбекистонга қўрқмасдан сармоя киритиш мумкин, бу ерда хавф-хатарлар даражаси пасаймоқда", деган кучли сигналдир. Бу эса янги корхоналар, ишлаб чиқариш қувватлари ва қўшимча иш ўринлари яратилишини англатади. Шунингдек, мазкур ҳолат нафақат давлат, балки мамлакатимизнинг йирик тижорат банклари ва компаниялари учун ҳам халқаро молия бозорларидан пастроқ фоиз ставкаларида кредитлар ва инвестициялар жалб қилиш имконини беради. Натижада маҳаллий тадбиркорларга бериладиган кредитлар қиймати ҳам арзонлашади. Жалб этиладиган инвестициялар ҳисобига йўллар, мактаблар, шифохоналар қурилиши, электр ва газ таъминоти тизимларини модернизациялаш ишлари жадаллашади. Бу эса аҳоли турмуш даражасини тўғридан-тўғри яхшилашга хизмат қилади.

ОЛИЙ ВА КАСБИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ЎҚИШГА КИРИШ УЧУН ҚАБУЛ ЖАРАЁНЛАРИ БОШЛАНДИ

Бугун юртимиздаги олий ва касбий таълим даргоҳларига ўқишга кириш учун қабул жараёнлари старт олди.

«Абитуриент — 2026»

Маълумки, олийгоҳлар бакалавриатига қабул жараёни икки босқичда — "аввал тест, сўнг танлов" тамойилига мувофиқ амалга оширилади. 1-босқичда абитуриентлар 5 июндан 25 июнга қадар (шу куни ҳам) тест синови топшириш учун "my.uzbmb.uz" сайтида онлайн рўйхатдан ўтишлари даркор.

Талабгор агар фақат тест синовида иштирок этса, фанлар мажмуаси, таълим тили ва тест топшириш ҳудудини танлайди. Агар алоҳида иқтидор талаб этиладиган таълим йўналишлари бўйича касбий/ижодий имтиҳонларда қатнашадиган бўлса, таълим тили, тест топшириш ҳудуди, алоҳида иқтидор талаб этиладиган таълим йўналиши ҳамда касбий (ижодий) имтиҳон топшириладиган олийгоҳни танлаши керак бўлади.

Олий ўқув юртларига кириш имтиҳонлари июль-август ойларида ўтказилади. Ушбу 2-босқичда абитуриентлар кириш имтиҳонлари тўлиқ якунланганидан сўнг 15 кун давомида "my.uzbmb.uz" сайти орқали олий таълим муассасаси, бакалавриат таълим йўналиши, таълим шакли ва танлов устуворлигини танлашлари лозим.

Абитуриент тест синовида тўплаган балларини имтиҳон ўтказилган куннинг эртасига, талабаликка тавсия этилган ёки этилмаганини қабул жараёнининг 2-босқичи тўлиқ якунлангандан кейин бир ҳафта муддатда Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг расмий веб-сайтидан билиб олишлари мумкин.

Техникумларда ўқиш истагини билдирган абитуриентлар эса олий ўқув юртларига қабулнинг якуний натижаси эълон қилинганидан сўнг 10 кун муддатда техникум, касб ва мутахассислик ҳамда таълим шаклини танлашлари зарур. Бунда ҳам натижалар бир ҳафта муддатда агентликнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

Айни кунларда абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарига қулайликлар яратиш мақсадида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда барча олий таълим ташкилотларида "Қабул — 2026" штаби фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, талабгорлар вазирликнинг 1006, агентликнинг 1195 рақамли "ишонч телефони" ёки Телеграм ижтимоий тармоғидаги "@EduuzUniversalBot"га мурожаат қилган ҳолда ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишлари мумкин.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ («Халқ сўзи»).

2026 йил 1 сентябрдан йўловчи томонидан йўлкира ҳақи валидаторлар билан жиҳозланган автобусга чиқиш вақтида тўлаш йўлга қўйилади.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 5 июнь

ИЛМ-ФАН – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШИ

Бугунги кунда ҳар қандай давлат ривожи илм-фан, инновация ва технологиялар билан бевосита боғлиқ бўлиб, мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлиги, иқтисодий барқарорлиги ва интеллектуал салоҳияти айнан ушбу омиллар билан белгиланмоқда. Шу боис илм-фан соҳасини модернизация қилиш Янги Ўзбекистон тараққиётида муҳим аҳамият касб этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 26 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида иқтисодиётни технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказиш 2026 йилдаги тараққиётимизнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган ҳам бежиз эмас. Чунки бундай стратегик мақсадларга илм-фан салоҳиятини изчил мустаҳкамлаш, тадқиқот муҳитини ривожлантириш ва илмий фаолият мақомини юксалтириш орқалигина эришиш мумкин.

Нуқтаи назар

Сўнгги йилларда мамлакатимизда илм-фанни қўллаб-қувватлаш, илмий фаолиятни рағбатлантириш ва тадқиқот муҳитини яхшилаш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, Давлат бюджети маблағларининг салмоқли қисми ижтимоий соҳага, жумладан, илм-фан ва инновацияларни ривожлантиришга йўналтирилмоқда. Натижада илмий тадқиқотларни молиялаштириш ҳажми сезиларли даражада ошди.

Жумладан, 2025 йилда умумий қиймати 577,1 млрд. сўм бўлган 323 та янги лойиҳа, шунингдек, қиймати 217,95 млрд. сўм бўлган 434 та амалдаги лойиҳа молиялаштирилди. Халқаро қўшма дастурлар доирасида 112,4 млрд. сўмлик 66 та тадқиқот қўллаб-қувватланди.

Илмий кадрлар тайёрлаш тизими ҳам босқичма-босқич кенгайиб бормоқда. Хусусан, 2026 йил учун стажёр-тадқиқотчилик, таянч докторантура ва докторантура учун 5300 та квота ажратилган бўлиб, уларнинг 4174 таси PhD, 726 таси эса DSc учун мўлжалланган. Эътиборлиси, мазкур квоталарнинг 63,9 фоизи иқтисодиёт ва технологиялар ривожи билан бевосита боғлиқ бўлган илмий тадқиқотларга йўналтирилган.

Ёш олимларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2025 йилда 145 нафар тадқиқотчи 12 та давлатга, хусусан, АҚШ, Германия, Хитой, Япония ва Корея Республикасига стажировка ўташ учун юборилди. Шу билан бир қаторда, ўтган йили 69 млрд. сўмлик 121 та стартап-лойиҳа молиялаштирилди, улар асосида 106 та корхона очилди. Натижада 847 та иш ўрни яратилди ва 2,1 млн. АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар жалб этилди. Бу эса мамлакатимизда стартап маданияти ва инновацион тадбиркорликни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2025 йилда илмий ишланмаларни тижоратлаштириш ҳисобига бозорга 51,83 млрд. сўмлик инновацион маҳсулотлар ва хизматлар чиқарилди, бу эса Давлат бюджетига 6,2 млрд. сўм миқдоридаги солиқ тушумларини таъминлади.



Айни пайтда илм-фан ва инновацияларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш учун зарур ҳуқуқий асослар шакллантирилмоқда. Жумладан, 2018 йилдан буён мазкур соҳада 3 та қонун, шунингдек, Президентимизнинг 200 дан ортиқ фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди.

Шу билан бирга, таълим муассасаларида илмий тадқиқот жараёнларини халқаро стандартлар асосида баҳолаш тизимини такомиллаштириш, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурида Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлиги ташкил этилди. Мазкур чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистон 2025 йилги Глобал инновацион индексда 2016 йилдагига нисбатан ўз позициясини 43 поғонага яхшилаб, Марказий Осиёда биринчи ўринга чиқди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг яқинда бўлиб ўтган илмий кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва илмий фаолият самарадорлигини ошириш бўйича мутасадди раҳбарлар билан учрашувида миллий илм-фаннинг ҳозирги ҳолати, муаммолари муҳокама қилиниб, истиқболдаги вазифалар белгилаб олингани соҳани мутлақо янги босқичга олиб чиқишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Аввало, соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида илм-фан ва иқтисодиёт интеграциясини янада чуқурлаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, бугунги кунда миллий иқтисодиётнинг технологик ривожланиши илмий тадқиқотларнинг реал сектор эҳтиёжлари билан узвий боғлиқлигини таъминлашни талаб қилмоқда.

Хусусан, 2024 йил якунларига кўра, Ўзбекистонда инновацияларни жорий этган корхона ва ташкилотлар сони 1835 тани ташкил қилди. Бу мамлакатимизда инновацион фаоллик босқичма-босқич ортиб бораётганини кўрсатади. Шунингдек, ривожланган давлатлар тажрибаси илм-фан ва хусусий сектор ўртасидаги кооперацияни янада кенгайтириш, тадқиқотларни биргаликда молиялаштириш ва илмий ишланмаларни иқтисодиётда қўллаш механизмларини кучайтириш муҳим ўринга эга эканини кўрсатмоқда.

Шу маънода, давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган “Лойиҳа доирасида илмий даража” ҳамда “Амалий докторантура” дастурларини йўлга қўйиш бўйича таклифлар илм-фан ва иқтисодиёт интеграциясини мутлақо янги босқичга олиб чиқиши мумкин.

Мазкур ёндашув доирасида докторлик тадқиқотлари реал сектор эҳтиёжлари асосида шакллантирилади ва уларнинг натижаларини амалиётга жорий этишга устувор аҳамият қаратилади. Бу эса илм-фанни фақат назарий билимлар генератори эмас, балки иқтисодий тараққиёт, инновация ва технологик ривожланишнинг бевосита драйверига айлантиришга хизмат қилади.

> *“Сўнгги йилларда “Scopus” ва “Web of Science” базаларидаги миллий нашрлар сони сезиларли даражада ортгани мамлакатимиз илм-фанининг халқаро илмий мақомдаги фаоллигини кўрсатади. Бироқ глобал илм-фан ривожининг замонавий тенденциялари илмий фаолиятни баҳолашда фақат миқдорий кўрсаткичлар эмас, балки тадқиқотнинг илмий янгилиги, методологик ишончлилиги, амалий аҳамияти ва жамият ривожига қўшаётган ҳиссасига устувор аҳамият қаратишни талаб этмоқда.”*

Шу билан бирга, сунъий интеллект, қайта тикланувчи энергия, озиқ-овқат хавфсизлиги, тиббиёт, сув ресурслари, янги материаллар ва сейсмология каби стратегик соҳалар бўйича юқори малакали илмий кадрлар тайёрлашни қўллаб-қувватлашнинг янги тизимини жорий этиш таклиф қилинди.

Ушбу устувор йўналишлардаги докторантлар стипендиясини 1,7 баробарга кўтариш бўйича билдирилган таклиф илм-фаннинг ижтимоий мақомини ошириш ва ёшларни тадқиқот фаолиятига кенг жалб қилиш нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади.

Бу қарор нафақат моддий қўллаб-қувватлаш чораси, балки илм-фанни интеллектуал меҳнатнинг юқори нуфузли ва рақобатбардош соҳасига айлантиришга қаратилган стратегик ёндашув ҳисобланади. Айниқса, мамлакатнинг технологик мустақиллиги ва интеллектуал хавфсизлиги учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга соҳаларда юқори малакали миллий кадрлар захирасини шакллантириш нуқтаи назаридан ушбу механизм узоқ муддатли аҳамиятга эга.

Сўнгги йилларда “Scopus” ва “Web of Science” базаларидаги миллий нашрлар сони сезиларли даражада ортгани мамлакатимиз илм-фанининг халқаро илмий мақомдаги фаоллигини кўрсатади. Бироқ глобал илм-фан ривожининг замонавий тенденциялари илмий фаолиятни баҳолашда фақат миқдорий кўрсаткичлар эмас, балки тадқиқотнинг илмий янгилиги, методологик ишончлилиги, амалий аҳамияти ва жамият ривожига қўшаётган ҳиссасига устувор аҳамият қаратишни талаб этмоқда.

Айтиш жоизки, Президентимиз томонидан академик ҳалолликни мустаҳкамлаш, илмий тадқиқотлар сифати устидан таъсирчан мониторинг механизмларини жорий этиш ҳамда илмий фаолиятни баҳолашнинг замонавий ёндашувларини такомиллаштириш бўйича билдирилган таклифлар соҳада сифат жиҳатдан янги босқични бошлаб беради.

Шу боис илм-фан соҳасида “кўпроқ чоп этиш” тамойилидан “сифатли ва юқори таъсирга эга тадқиқотлар яратиш” концепциясига босқичма-босқич ўтиш, академик ёзув маданиятини ривожлантириш, миллий илмий таҳрир ва рецензия институтларини кучайтириш ҳамда илмий этиканинг таъсирчан механизмларини такомиллаштириш келгусида мамлакат илм-фанининг халқаро рақобатбардошлигини янада оширишга хизмат қилади.

Хусусан, бу борада илмий раҳбарлар масъулияти ва уларни рағбатлантириш механизмларини кучайтириш, илмий даража бериш жараёнларини рақамлаштириш, бюрократик тартиб-таомилларни қисқартириш ҳамда илмий фаолиятни баҳолашнинг замонавий механизмларини жорий этишга қаратилган ташаббуслар ҳам илмий ҳамжамият томонидан ижобий баҳоланмоқда.

Айниқса, диссертация ҳимояси жараёнида амал қилаётган тартиб-таомилларнинг қарийб 50 фоизини рақамлаштириш бўйича илгари сурилган таклиф илмий аттестация тизимини модернизация қилишнинг муҳим босқичи ҳисобланади.

Мазкур ёндашув ортиқча қоғозбозлик ва такрорланувчи жараёнларни қисқартириш, инсон омили таъсирини камайтириш ҳамда илмий фаолиятни баҳолашда шаффофлик ва тезкорликни таъминлашга хизмат қилади. Энг муҳими, ушбу ислоҳотлар илмий жараёнда формал ҳужжат айланмасидан кўра тадқиқотнинг мазмуни, методологияси ва илмий янгилигига урғу қаратиш имконини кучайтиради.

Ушбу масалада хорижда фаолият юритаётган тажрибали ватандош олимлар билан ҳамкорликни кенгайтириш муҳим ўрин тутади. Глобал илм-фан шароитида интеллектуал капитал давлат чегаралари билан чекланмайди. Хорижда фаолият юритаётган ўзбекистонлик олимларнинг илмий салоҳияти, тажрибаси ва халқаро академик алоқаларини миллий илм-фан ривожига йўналтириш стратегик аҳамият касб этади. Айниқса, замонавий методологиялар, илмий тадқиқот маданияти ва халқаро академик стандартларни миллий муҳитга трансфер қилиш нуқтаи назаридан мазкур ташаббус айни муддаодир.

Бугунги глобал рақобат шароитида давлатлар қудрати табиий ресурслар ҳажми билан эмас, балки инсон капитали, илмий салоҳият ва янги билимлар яратиш қобилияти билан белгиланмоқда. Илм-фанга киритилаётган инвестициялар Ўзбекистоннинг технологик суверенитети, иқтисодий мустақиллиги ва миллий хавфсизлигига қаратилган энг муҳим стратегик сармоядир. Президентимиз ташаббуси асосида илм-фан ва илмий кадрлар тайёрлаш тизимини замонавий талаблар даражасида такомиллаштириш, илмий тадқиқотлар сифатини ошириш ҳамда соҳада рақамли ва шаффоф бошқарув механизмларини жорий этиш бўйича уддаланаётган ишлар мамлакат илм-фани ривожида янги даврни бошлаб бериши шубҳасиз.

Абдулазиз РАСУЛЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти илмий котиби, юридик фанлар доктори, профессор.

РЕКЛАМА

MKBANK

«Mikrokreditbank» aksiyadorlik-tijorat banki aksiyadorlari DIQQATIGA!

HURMATLI AKSIYADORLAR!

“Mikrokreditbank” aksiyadorlik-tijorat banki Kuzatuv kengashi aksiyadorlarning navbatdagi yillik umumiy yig‘ilishi 2026-yil 29-iyun kuni, soat 15:00 dan boshlab, bevosita Toshkent shahri, Amir Temur shohko‘chasi, 4-uy manzilida joylashgan “Mikrokreditbank” ATB majlislar zalida va “E-Vote” elektron ovoz berish platformasida (https://evote.uz) masofadan turib ishtirok etish orqali o‘tkazilishini ma’lum qiladi.

Yig‘ilish kun tartibi:

1. “Mikrokreditbank” aksiyadorlik-tijorat bankining sanoq komissiyasi tarkibini tasdiqlash;
2. Bankning 2025-yil yakunlari bo‘yicha aksiyadorlarning navbatdagi yillik umumiy yig‘ilishi reglamentini tasdiqlash;
3. Bankning 2025-yil faoliyati yakunlari bo‘yicha Kuzatuv kengashining hisobotini tasdiqlash;
4. Bank boshqaruvining 2025-yil yakunlari bo‘yicha va Bankni rivojlantirish strategiyasi to‘g‘risidagi hisobotini hamda bankning 2026-yildagi ustuvor vazifalarini tasdiqlash;
5. Bank faoliyatining 2025-yil yakunlari bo‘yicha yillik hisobotini, jumladan, buxgalteriya balansini, foyda va zararlari to‘g‘risidagi hisobotini hamda auditorlik tashkilotining xulosasini tasdiqlash;
6. 2025-yil yakunlari bo‘yicha sof foydani taqsimlash va imtiyozli aksiyalar bo‘yicha dividendlar to‘lash;
7. “Mikrokreditbank” aksiyadorlik-tijorat bankini rivojlantirishning 2026 — 2028-yillarga mo‘ljallangan strategiyasini tasdiqlash;
8. Bankda 2025-yil yakuni bo‘yicha korporativ boshqaruv tizimini va “Davlat ishtirokidagi korxonalar uchun korporativ boshqaruv Qoidalari” tavsiyalariga rioya etilishini baholash natijalarini tasdiqlash;
9. Bank boshqaruv raisi va uning o‘rinbosarlari faoliyatining 2025-yil uchun eng muhim samaradorlik ko‘rsatkichlarining (KPI) yillik natijalarini ko‘rib chiqish;
10. Bank Ustaviga o‘zgartirishlar va qo‘shimchalar kiritish;
11. “Mikrokreditbank” aksiyadorlik-tijorat bankining “Kuzatuv kengashi to‘g‘risida” va “Boshqaruv to‘g‘risida”gi Nizomlariga o‘zgartirishlar va qo‘shimchalar kiritish;
12. Bankning kundalik xo‘jalik faoliyatini yuritish jarayonida (joriy xo‘jalik faoliyati bilan bog‘liq) affillangan shaxslar bilan va yirik bitimlarni kelgusida bank tomonidan mustaqil amalga oshirishi uchun aksiyadorlarning keyingi yillik umumiy yig‘ilishigacha bo‘lgan davrda tuzilishi mumkin bo‘lgan (kutilayotgan) bitimlarni aniqlash va ma’qullash.

“Mikrokreditbank” ATB Kuzatuv kengashining 2026-yil 2-iyundagi majlisi qaroriga asosan, aksiyadorlarning navbatdagi yillik umumiy yig‘ilishida ishtirok etish huquqiga ega bo‘lgan aksiyadorlar reyestri 2026-yil 23-iyun kuni holatiga hamda aksiyadorlarning navbatdagi yillik umumiy yig‘ilishi o‘tkazilishi haqida aksiyadorlarga xabar qilish uchun aksiyadorlar reyestri 2026-yil 2-iyun kuni holatiga tuziladi.

Aksiyadorlarni ro‘yxatga olish 2026-yil 29-iyun kuni soat 14:00 dan 15:00 gacha davom etadi.

Aksiyadorlar umumiy yig‘ilishda shaxsini tasdiqlovchi hujjat va yozma shaklda tuzilgan ishonchnoma asosida qatnashadi, yuridik shaxs nomidan berilgan ishonchnoma qonunchilikda belgilangan tartibda, jismoniy shaxs nomidan berilgan ishonchnoma notarial tasdiqlangan bo‘lishi kerak.

Aksiyadorlarning umumiy yig‘ilishida axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalangan holda masofadan turib ishtirok etish va ovoz berish “E-Vote” elektron ovoz berish platformasida (https://evote.uz) “Xo‘jalik jamiyatlari boshqaruv organlarining yig‘ilishlarida axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalangan holda masofadan turib ishtirok etish va ovoz berish tartibi to‘g‘risida” Nizom (ro‘yxat raqami 3613, 2025-yil 24-mart) va “Qimmatli qog‘ozlar Markaziy depozitariysi tomonidan “E-Vote” elektron ovoz berish xizmatidan foydalanish bo‘yicha xizmatlar ko‘rsatish Qoidalari”ga muvofiq amalga oshiriladi. Jumladan:

ishtirokchi yig‘ilish boshlangunga qadar platformadagi avtorizatsiya va identifikatsiyadan o‘tishni ta’minlovchi elektron kanallar orqali ro‘yxatdan o‘tishi, jumladan, platformaga kirish uchun jismoniy va yuridik shaxslarni identifikatsiyalashning yagona tizimida o‘ziga oid ma’lumotlarni taqdim etgan holda identifikatsiyadan o‘tishi kerak;

masofadan turib yig‘ilishda ishtirok etish va kun tartibidagi masalalar bo‘yicha ovoz berishda elektron raqamli imzodan foydalaniladi;

aksiyadorning vakili yuqorida keltirilgan tartibda tasdiqlangan ishonchnomani taqdim etadi;

platformadan foydalanishni ta’minlovchi texnik xodim: Kuzatuv kengashi kotibiyati bosh kotibi Turdibekov Zafar Shokul o‘g‘li, telefon: (71) 207-46-51 (ichki raqam:1218).

Yig‘ilish o‘tkazish bo‘yicha qo‘shimcha axborot va unda ko‘riladigan masalalarning materiallari bilan yuqoridagi manzilga va quyidagi telefon raqamlariga murojaat qilish hamda bankning korporativ veb-sayti (https://mkbank.uz) va “E-Vote” elektron ovoz berish platformasi (https://evote.uz) orqali tanishish mumkin.

Telefon: (71) 207-46-51
(ichki raqam: 1218, 1304)
Bank Kuzatuv kengashi.

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилишини масофадан ўтказиш тўғрисида

ХАБАРНОМА

Ҳурматли “Ўзбекистон саноат қурилиш банки” акциядорлик-тижорат банки акциядорлари!

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ (Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй манзили бўйича жойлашган, корпоратив веб-сайт: www.sqb.uz, e-mail: info@sqb.uz), Сизга **2026 йил 30 июнь** куни Тошкент шаҳри вақти билан соат 11.00 да **масофадан туриб электрон овоз бериш хизмати http://evote.uz/ орқали** банк акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши белгиланганлигини маълум қилади.

ЙИҒИЛИШ КУН ТАРТИБИ:

1. Банк Кенгаши ва Бошқарувининг 2025 йил якунлари бўйича фаолияти ҳамда банкни ривожлантириш стратегиясининг бажарилиши бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш;

2. Банк фаолиятининг 2025 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;

3. Банк фойдасини тақсимлаш ва Кенгашнинг ҳар бир аъзосига 2026-2027 корпоратив йил учун тўланадиган мукофот ва компенсациянинг энг юқори миқдорини белгилаш;

4. 2026-2027 корпоратив йил учун банк Бошқаруви аъзоларига тўланадиган мукофотнинг максимал миқдорини белгилаш;

5. Банк бошқаруви раиси ва Бошқарув аъзоларининг ваколатларини 1 (бир) йилга тасдиқлаш тўғрисида;

6. 2026 молия йили бўйича банкда ташқи аудиторлик текширувини ўтказиш учун ташқи аудитор ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдорини белгилаш;

7. “Ўзбекистон саноат қурилиш банки” акциядорлик-тижорат банки уставига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлаш;

8. Банкда корпоратив бошқарув тизими бўйича 2025 йил якунларига кўра ўтказилган халқаро *(OOO “PRICEWATERHOUSE COOPERS”)* мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш;

9. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Банк гуруҳини корпоратив бошқариш концепциясини тасдиқлаш;

10. Баланслан ташқари ҳисоб рақамлардаги активларни ундириш бўйича 2025 йил ҳисоботи.

■ Акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида **хабардор қилиш** учун реестрни шакллантириш санаси: **2026 йил 8 июнь.**

■ Акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишида **иштирок этиш** ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри тузиладиган сана: **2026 йил 24 июнь.**

■ Акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишига оид ҳужжатлар билан банкнинг “www.sqb.uz” корпоратив веб-сайти орқали танишиш ёки “info@sqb.uz” электрон манзили орқали сўров юборишингиз мумкин.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш интернет тизими орқали электрон овоз бериш хизматидан (http://evote.uz/) фойдаланган ҳолда 2026 йил 30 июнь куни Тошкент вақти билан соат 10^{00} да бошланиб, 11^{00} да тўхтатилади.

Мурожаат учун телефонлар:
(78) 120-45-00 IP: 85-55;
(99894) 711-13-75.

«ГАРАНТ БАНК» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЙИЛ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ЎТКАЗИЛИШИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Кун тартиби:

1. Банк акциядорлари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;
2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш;
3. Банк Кузатув кенгашининг 2025 йил фаолияти натижалари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш;
4. Банк бошқаруви раисининг банкнинг 2025 йил молиявий-хўжалик фаолияти натижалари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш;
5. Банкнинг 2025 йилги фаолияти бўйича ташқи аудиторнинг хулосасини эшитиш, йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси ҳамда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш ва банкнинг 2025 йилдаги тақсимланмаган фойдасини тақсимлаш;
6. Кузатув кенгашининг айрим аъзолари ваколатини муддатидан олдин тугатиш ва Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш;
7. Банк ташқи аудиторини тасдиқлаш ва унга хизмат ҳақининг энг юқори миқдорини белгилаш тўғрисида;
8. Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш (янги таҳрирда);
9. Банкнинг ички қоидаларини қабул қилиш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда бекор қилиш тўғрисида.

Garant bank

Йиғилиш 2026 йил 29 июнь куни соат 12.00 да Тошкент шаҳри, Саид Барака кўчаси, 78-уйда ўтказилади.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2026 йил 23 июнь ҳолатига тузилади.

Йиғилиш иштирокчилари 2026 йил 29 июнь куни соат 11.00 дан 11.45 гача рўйхатга олинади.

Акциядорлар умумий йиғилишга доир материаллар билан Тошкент шаҳри, Саид Барака кўчаси, 78-уйда жойлашган “Гарант банк” АЖнинг бош офисида танишишлари мумкин. Электрон почта манзили: info.garantbank@uz, веб сайти: www.garantbank.uz.

Акциядорлар умумий йиғилишда шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида қатнашади, юридик шахс номидан берилган ишончнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, жисмоний шахс номидан берилган ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

Маълумот учун телефон:
(71) 203-02-42.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

Тошкент давлат аграр университети жамоаси аграр илм-фани ривожига катта ҳисса қўшган биология фанлари доктори, профессор

Игорь Владимирович БЕЛОЛИПОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Чет тили фани мавжуд бўлган бакалавриат таълим йўналишларига киришда хорижий тил бўйича «B1» сертификати учун 75 фоиз балл берилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 642. 22 170 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегматов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 03.35 Топширилди — 04.00 1 2 3 4 5 6